



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСII
ГАЗЕТАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 93 (9.590) 2001 йил 10 август, жума

Сотувда эркин нархда

ҚУРУВЧИЛАР КУНИГА

Тошкентим, сен қуёш шаҳрисан

ПУБЛИЦИСТИКА

Азиз замондошим, бир нафас тошқин ва шошқин ишларимиздан ҳоли бўлиб бақамти ўтириб гаплашайлик. Гарчи бундан ҳам муҳимроқ кундалик юмушлар силсиласи елкамизни босиб турган бўлса-да баъзида мана шундай ўзаро суҳбат ва диллашувлари ҳам истаб қоларкан кўнгли.

Атрофга бир назар ташланг. Жаннатмакон ўлкамизнинг тиниқ осмонини мўйтабар замини, гўзаллигию меҳмондўстлиги аллақачон тилларда дoston бўлган. Мен ҳар қандай одамни ҳайратда қолдирадиган унинг улкан қурилишлари, юксалиши, янгиланиши, туб бурилишлари ҳақида сўз юртиялман. Холисанилло айтганда, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу бунёдкорликлар қисқа муддат — ўн йил ичида қайси мамлакатда рўй берган? Дунё дунё бўлиб бундай оламшумул ўзгаришларнинг гувоҳи бўлганми?

Шундай экан, юртимиз истиқболи ва унинг бугунги иқболи билан гурурланишга ҳақимиз. Унинг бугунги қайноқ меҳнат жараёнида пишиб, Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида ақалли бир гишт қўётганимиздан фахрлансак арзийдими? Гурурланишга ҳам, фахрланишга ҳам ҳақимиз бор, азизим.

Шоир айтганидек:
**Ўзбекка мактабиш одатмас, гарчанд,
Бағримни тўлғазар ушбу кун гурур:
Тошкенту Бухоро, Хевок, Самарқанд,
Ҳар бири жаҳоннинг безаги бўлур.**

Биласизки, байрамлари кўп юртимиз фаёзу таровати ўзгача бўлади. Айниқса шундай кўп кунлар арафасида гўзал пойтахтимиз нурга бурканиб янада кўркам ва файзли бўлиб кетади. Байрам ҳукуқи фақат одамлар қалбига қувонч бағишлаганига қолмай балки бутун борлиққа ўз таъсирини ўтказади. Шундай тантанавор кезларда шаҳар айлангинг, босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, қилган ишларга сарҳисоб чиқаргинг келади. Шундай экан, Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тантаналари арафасида пойтахтимиз кўчаларини бир кезайлик, ҳамшаҳарларимизнинг дил сўзларига қулоқ тўтайлик.

Азизим, монелик бўлмаса дастлаб сафаримизни Мустақиллик майдонидан, Мотамсаро она ёдгорлик пойига бош эгиб таъзим қилишдан бошласак. Чунки азалдан бизда хайрли иш бошидан аввал аждодлар руҳини шод этиш урф-одат бўлиб қолган. Ҳам таовоф, ҳам савоб деганларидек, шу баҳона Истиқлол байрамимизнинг асосий тантаналари ўтадиган бош майдондаги бунёдкорлик ишларининг ҳам шохиди бўлиш имкониятимиз бор.

Энди шу ерда бир зум тўхтаб мана шу юксалишдан туриб атрофга бир назар таштайлик. Дарҳақиқат бугун пойтахтнинг чирой очмаган, қиёфаси ўзгармаган бирон-бир гўшасини топиш қийин. Ҳар кун, ҳар соатда биз орзу қилган ва баъзан тасаввуримизга сиймайдиган замонавий пойтахт тимсоли кўз ўнгимизда тобора ёрқинроқ гавдаланмоқда. Биргина шаҳар маркази



эмас, балки бугун Эски шаҳарни ёки Чилонзори Сергели, Юнусобод даҳаларини кезиб чиққан киши бу ердаги буюк қурилишлар, осмонўпар маъмурий, маданий ва турар жой бинолари, ям-яшил хибоблар, истироҳат боғлари, заррин камалак тусда товланиб кимўзарга қўкка сув пуркаётган фавворалар ва яна бошқа кўплаб янгиликлардан воқиф бўлади.

(Давоми 3-бетда).

Қурувчининг ён дафтари

◆ Бунёдкорлик — гўё бир ҳайкал,
Ундан таралади нузли бир машъал.

◆ Гар обод бўлса шаҳринг,
Очилар дилу баҳринг.

◆ Вақтинг кетди — нақдинг кетди.

◆ Яхши либос ҳуснга мос,
Безакли уй келинга хос.

◆ Қурувчининг иши мўл,
Қабарикли қўли гул.

◆ Бунёдкор Тошкентим, сен она
Гуллайвер, бўл обод, сен менинг
шаҳрим,
фаҳрим.

◆ Замонавий бинолар шаҳримиз
қўрқи.

◆ Қурувчи кўнига бағишланган махсус «Бунёдкор» саҳифаси мақолаларини газетанинг 3-бетидеда ўқийсиз.

Илмий-амалий анжуманлар

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси вилоятларда катта маърифий тадбирларни ўтказишга киришди. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан жойларда «Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши» мавзусида туркум илмий-амалий анжуманлар бошлаб юборилди. Бундай

тадбирлар июнь ойидан бошланиб Имом ал-Бухорий кўнлари доирасида республикамизнинг етти вилоятида ўтказилмоқда. Анжуманларнинг биринчи-бешинчи босқичлари Бухоро, Самарқанд, Хива, Андижон, Наманган шаҳарларида муваффақиятли ўтди. Навбатдаги — олтинчи босқич

Фарғонада ўтказилди.

Яқунловчи босқичнинг 17-18 август кўнлари Тошкентда бўлиши мўлжалланган.

Деярли уч ойдан бери давом этаётган илмий-амалий анжуманларда вилоятларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларда жамғарма иштирокини янада жонлантириш, жойларда миллий-диний қадриятларнинг тикланиш жараёнини ўрганиш ва соҳа мутахассислари билан юзма-юз мулоқот қилиш мақсад қилиб қўйилган.

КЕЧА



◆ Акмал Икромов тумани 2815 гектар майдонда жойлашган. Аҳолиси 226,4 минг киши.
◆ Туманининг иқтисодий салоҳиятини 15 йирик саноат корхонаси, 54 қўшма корхонаси, 1716 кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил қилади. 2760 киши хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. 2001 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ҳажми 3404,9 миллион сўмга тенг бўлди. Шундан 32,2 фоизи кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобигадир. Туманининг ташқи савдо айланмаси шу даврга 2680,3 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

◆ Туманда қатор ўқув юртлири бор. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент Молия институти факультети, 5 та касб-хунар коллежи, 4 та академик лицей, 36 та умумтаълим мактаби шулар жумласидандир.


◆ Туман аҳолиси соғлигини сақлашда 2 та касалхона, 6 та оилавий шифона, туғруқ мажмуаси, 3 та тиббий диспансер хизмат кўрсатмоқда.

◆ Туманда 50 та маҳалла мавжуд. 24 та уй-жой ширкатлари тузилган. Умумий турар жой фонди 3,4 миллион квадрат метрдан иборат.

◆ Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Ватан» кинотеатри, 9 та кутубхона ва яна қатор маданият муассасалари туман аҳолисининг мароқли ва унумли дам олишини таъминлайди.

◆ Туман аҳолиси «Карвон бозор», «Фарҳад», «Беҳайрағоч» бозорлари, юзлаб савдо корхоналари, ресторон, қаҳароналар хизмат кўрсатади.

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ



◆ Акмал Икромов тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетидеда махсус саҳифада танишасиз.

КУРАШ



Жаҳон чемпионати бошланди

Ўзбекистон — жаҳон чемпионатининг мезбони. Мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами арафасида ҳамюртларимиз ана шундай улкан тарихий воқеадан фахр ва ифтихор туйғуларини туйишди.

КЕЧА

республикамизнинг турли бурчакларидан келган спорт ишқибозлари билан тўла «Ўзқўзғазмасавдо» марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» баҳслари зўр муваффақият билан ўтказиб келинган.

Бундай нуфузли мусобақа мезбонлик қилиш катта масъулият талаб этади. 125 мамлакатнинг кураш уюшмаларини бирлаштирган Халқаро хаваскорлар кураши федерацияси — ФИЛА ишончида «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» мусобақасининг юқори савияда ташкиллаштириш ва ўтказиш имкониятларини кенг қўламда намойиш қилиш керак.

Ўзбекистонда спорт курашлари уюшмаси ташкил этилганда бундан буён жаҳон чемпионатини Тошкентда ўтказишга эришишга ҳаракат қилди. ФИЛА ишончи қозонишда «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» мусобақасининг юқори савияда ташкил қилинаётгани алоҳида аҳамият касб этди. Ваҳоланки, бу турнир бугунги кунда «Гран-при» туркумидаги энг яхши беш

олимпия ҳаракатини янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, 1997 йилдан буён эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» баҳслари зўр муваффақият билан ўтказиб келинган.

Бундай нуфузли мусобақа мезбонлик қилиш катта масъулият талаб этади. 125 мамлакатнинг кураш уюшмаларини бирлаштирган Халқаро хаваскорлар кураши федерацияси — ФИЛА ишончида «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» мусобақасининг юқори савияда ташкил қилинаётгани алоҳида аҳамият касб этди. Ваҳоланки, бу турнир бугунги кунда «Гран-при» туркумидаги энг яхши беш

мусобақадан биридир. Спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган муваффақиятлари ҳам мамлакатимизда спорт ва олимпия ҳаракати тобора тараққий этиб бораётганидан далолат бермоқда. Хусусан, Адхам Очлов, Дамир Захардинов, Расул Катинавасов, Артур Таймазов, Баҳодир Қўрбонов, Дилшод Орипов ва Руслан Биктяков каби иқтидорли спортчиларимизнинг рейтинг бўйича ўз вази тоифаларида 2000 йилнинг энг яхши полвонлари ўнгидан жой олганини ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Давлатимиз мадҳияси садолари остида мусобақа байроғи кўтарилган онлар, ўйлаимизки, ўзбек спортининг ёрқин тантанаси сифатида ҳамюртларимиз дилида узоқ вақт муҳрланиб қолишига шубҳа йўқ.

Сўнг саралаш баҳслари билан гиламдаги қизғин беллашувлар бошланиб кетди. Дастлабки кун 46 давлатдан ташриф буюрган 242 нафар юнон-рум курашининг ёш усталари ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Ишқибозлар айнисига, энг енгил 50 килограммга вазида қизқарли

мусобақадан биридир.

Сўнг саралаш баҳслари билан гиламдаги қизғин беллашувлар бошланиб кетди. Дастлабки кун 46 давлатдан ташриф буюрган 242 нафар юнон-рум курашининг ёш усталари ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Ишқибозлар айнисига, энг енгил 50 килограммга вазида қизқарли

мусобақадан биридир. Спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган муваффақиятлари ҳам мамлакатимизда спорт ва олимпия ҳаракати тобора тараққий этиб бораётганидан далолат бермоқда. Хусусан, Адхам Очлов, Дамир Захардинов, Расул Катинавасов, Артур Таймазов, Баҳодир Қўрбонов, Дилшод Орипов ва Руслан Биктяков каби иқтидорли спортчиларимизнинг рейтинг бўйича ўз вази тоифаларида 2000 йилнинг энг яхши полвонлари ўнгидан жой олганини ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Давлатимиз мадҳияси садолари остида мусобақа байроғи кўтарилган онлар, ўйлаимизки, ўзбек спортининг ёрқин тантанаси сифатида ҳамюртларимиз дилида узоқ вақт муҳрланиб қолишига шубҳа йўқ.

Сўнг саралаш баҳслари билан гиламдаги қизғин беллашувлар бошланиб кетди. Дастлабки кун 46 давлатдан ташриф буюрган 242 нафар юнон-рум курашининг ёш усталари ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Ишқибозлар айнисига, энг енгил 50 килограммга вазида қизқарли

мусобақадан биридир. Спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган муваффақиятлари ҳам мамлакатимизда спорт ва олимпия ҳаракати тобора тараққий этиб бораётганидан далолат бермоқда. Хусусан, Адхам Очлов, Дамир Захардинов, Расул Катинавасов, Артур Таймазов, Баҳодир Қўрбонов, Дилшод Орипов ва Руслан Биктяков каби иқтидорли спортчиларимизнинг рейтинг бўйича ўз вази тоифаларида 2000 йилнинг энг яхши полвонлари ўнгидан жой олганини ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Давлатимиз мадҳияси садолари остида мусобақа байроғи кўтарилган онлар, ўйлаимизки, ўзбек спортининг ёрқин тантанаси сифатида ҳамюртларимиз дилида узоқ вақт муҳрланиб қолишига шубҳа йўқ.

(Давоми 4-бетда).

XXI саҳифа
Барча маилбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг раҳбарлари иштирок этган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси қизғин ва атрафлича муҳокама қилинди.

◆ Кеча Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Бадиий академия ҳамкорлиқда мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Шу азиз Ватан — барчамизники» шиори остида Самарқанд вилоятига бағишланган фестивал очилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида иқтисодиёт тармоқларини келаётган кузги-кишики мавсумга тайёрлаш масалаларини ҳал этиш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

◆ Сурхондарёда қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, пахтачилик ва галлачиликдаги долзарб масалаларга бағишланган кўргазмали семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги Қонун ҳужжатлари мониторингини институтида «Жамоат фондларини ҳуқуқий тартибга солиш: халқаро тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўллари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

◆ Самарқандда ўтказилган XIII халқаро аэрокосмик мактаби анжумани республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий марказида «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида шарҳлар» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

◆ Андижонда ўтказилган республика анжумани Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўлмас асари — «Бобурнома»нинг 470 йиллигига бағишланди.



Жаҳонда

◆ Бугун Пекинга ташриф буюрган АҚШ сенатининг ташқи ишлар бўйича қўмитаси вакили Жозеф Байден Хитой раҳбари Цзян Цзямин билан учрашди.

◆ Президентлик учун ўтказилган сайловларда ғалаба қозongan Эрон давлати раҳбари Муҳаммад Хатамий мамлакат бошқарувининг иккинчи муддатини бажаришга киришди.

◆ Кеча Хиндистон ва Покистон вакиллари Шри-Ланкада Кашмирда ҳудудий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

◆ «Гринпис» халқаро экологик ташкилоти Вашингтон ва Лос-Анжелесда АҚШнинг ракетадан мудофаа тизимини яратиш режасига қарши норозилик намойиши ўтказилди.

◆ Бугун Эроннинг Бушер бандаргоҳида ўтказилган уч кунлик ҳарбий машғулот низоҳиса етди.

◆ АҚШнинг собиқ Президенти Билл Клинтон эсдалик ёзаётганини маълум қилди. Мазкур китоб 2003 йилда босмадан чиқади.

◆ Кеча АҚШ конгресси олий даражадаги хизматчиларининг Қирғизистонга сафари якунланди.

◆ Кеча Москва марказида жанговар гранаталар билан тўлдирилган қўти топилиди. Бу портловчи қуроллар уруш даври қолдирган асорат бўлиши керак, деб тахмин қилинмоқда. Сапёрлар топилмани зарарсизлантиришга киришдилар.

◆ Кеча Барселонада икки марта портлаш юз берди. Қўрбон бўлганлар ва жароҳатланганлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

◆ Афғонистондаги асосий ҳуқморонлиқни қўлга олган Толиблар Қобул шаҳридаги майдонда минглаб кишиларнинг кўз олдида тўрт кишини қатл этдилар.

Қисқа сатрларда

◆ БУГУН «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиқмаш-ҳолдинг компанияси ҳамкорлигида ўтказилган «Ўзбекистон: барқарор экотараққиёт йўлида» мавзусидаги халқаро конференция мустақиллик айёмининг 10 йиллигига бағишланди.

◆ ЎЗБЕКИСТОН халқ амалий санъати музейида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишлаб ўзбек аёлларининг миллий руҳдаги зеб-зийнатлари — каштачилик ва зардўзлик санъати намуналарини кўргазмаси бўлиб ўтди.

◆ ТОШКЕНТ шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги 2000 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари мустақиллик айёми кўнларига Мирзо Улугбек боғида мириқиб дам олишди, аттракционлардан бепул фойдаланишди.

◆ БУГУН шаҳримиздаги «Қоратўш» маҳалла гузарига Фаллар иштирокида Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ва туман «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Аёлни эъзозлаган юрт» деб номланди.

◆ БУГУН Яқасарой туманидаги «Бошлик» маҳалла гузарига «Қўшбеги» маҳалла фаллари билан ҳамкорлиқда туман ҳокимлиги ҳамда туман ички ишлар бўлими ташаббускорлигида бўлиб ўтган давра суҳбати «Огоҳлик —

давр талаби» деб номланди.

◆ ЭРАТАГА шаҳримиздаги Абдулла Қаҳҳор номи маҳаллада Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан маҳалла фаллари иштирокида ўтадиган давра суҳбати йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш масаласига бағишланди.

◆ ИСТИҚЛОЛ шарофати туйғайи шаҳримизда ташкил этилган шошилинч «Тез тиббий ёрдам» маркази 760 ўринга мўлжалланган бўлиб, бир кунда 350 беморга хизмат кўрсата олади. Айни кўнларда пойтахтимиздаги ҳар бир туманда ушбу марказнинг шохобчалари фаолият бошлади. Бунёдкорлар томонидан қурилатган шошилинч «Тез тиббий ёрдам» марказининг янги биноси энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилади.

◆ ТОШКЕНТ ҳайвонот боғида Юнусобод туман «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан 21-Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокида «Обод юртининг озоқ фарзандлари» шиори остида ўтказилган сайил мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланди.

◆ БОҒИ ЭРАТАГА маданият ва истироҳат боғида Мирзо Улугбек тумани хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тумандаги чевар аёллар томонидан тайёрланган кийим-кечаклар кўргазмаси ҳам мустақиллигимизнинг 10 йиллик айёмига бағишланди. Кўргазмада намойиш этилган либослар пойтахтимиздаги Мехрибонлик уйларида тўхфа этилди.





АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Агар узук бўлса Ўзбекистоним истиқлол илҳомлари

Қадоқли қўллардан яралган чирой,
Яшашинг гўзалдир, маъналарга бой,
Меҳмонга тўридан доим берар жой,
Бағримнинг кенглиги — менинг маҳаллам.
Олимларинг қайнар илм булоғи,
Булоқдан сув ичар яхшилик боғи.
Гурун, баҳслар босар танлар чарчоғин,
Билимдон бўлагим — менинг маҳаллам.
Меҳрдан яралган бутун борлиги,
Садоқат, вафодан топанг ёрлиги.

Покажиги нуридан вақти чоғлиги,
Меҳрда ёнганим — менинг маҳаллам.
Мақтабим номидир улғў Яссавий,
Ҳикматлар дуррига тўлиқ Яссавий.
Улуғлар руҳи шод, ишар абадий,
Ўзигин ардоқлар Қабни маҳаллам.
Агар узук бўлса Ўзбекистоним,
Унга ёқут кўзид севимли Қабним.
Ўз юрти завоқидан хушнуддир Ғани,
Ватаним севганим — Қабни маҳаллам.
Ғани АБДУЛЛАЕВ

Акмал Икромов туманида ҳам му-
стақиллик йилларида катта ўзга-
ришлар юз берди. Шулар ҳақида
гапириб беришни туман ҳокими
Абилкосим МАҲМУДОВДАН илтимос
қилдик.

— Аввало шуни айтиш керакки, ту-
манда 15 йирик корхона фаолият
кўрсатмоқда. «Нон-паста», «Тошкент-
сут», «Фонон» ҳиссадорлик жамият-
лари фаолияти ҳақида ҳар қанча гапи-
раса арзийди. 10 йил ичида ишлаб чиқ-
ариш ҳажми 1991 йил билан солиштир-
ганда 2,8 маротаба ошди. Кичик ва ўрта
бизнес корхоналари, хусусий тадбир-
корлар туман ривожланишига ўз ҳис-
саларини қўшмоқда. Уларнинг ялпи

— Туманимизни таълим маркази деб
аташ мумкин. Бу ерда Ўзбекистон Дав-
лат жаҳон тиллари университети, Мо-
лия институтининг факультети жой-
лашган. Туманда 10 дан зиёд коллеж
ва лицей-янги тизимдаги ўқув юр-
тлари кўпайиб бораётганини алоҳида
таъкидлаш керак. Бу коммунал-қури-
лиш, хунармандчилик, агротехнотар,
юрдик, солиқ коллежлари, Жаҳон
тиллари университети ва Тошкент ав-
томобиль йўллари институти қошида-
ги академик лицейлардир. Бундан та-
шқари МДХ давлатларида ягона
бўлими Солиқ ва божхона органлари
академияси янги ўқув йилидан ўз фа-
олиятини бошлаши ҳам қувонарли ҳол-
дир.

— Мустиқил-
лик шодиёна-
рига ҳам оз қол-
моқда. Анъанага
қўра бу байрамга
соғалар тайёр-
ланади...

— Мамлака-
тимизнинг бош
байрами — Мус-
тақиллик

қунига қизгин тайёргарлик
кўрмоқдамиз. Шу кунларда туманимиз
аҳолиси ҳам ободонлаштириш ойл-
ида фаоллик билан қатнашмоқда. Шу-
нингдек, жаҳон андозаларига тенг три-
котаж маҳсулотларини ишлаб чиқ-
аришга ихтисослаштирилган, яқин ора-
да фаолиятини бошлайдиган «Шай-
хонтоҳур-текстиль» қўшма корхонаси
1200 нафар ишчини иш ўринлари бил-
ан таъминлади. Бундан ташқари ту-
ман тадбиркорлари томонидан қатор
маданий-маиший мажмуалар, маҳал-
ла гузарлари очилиши мўлжалланган.

Қурилиш устида гап борар экан,
кичик Ҳалқа автомобиль йўлининг бу-
нёд этилиши жараёнида Акмал Ик-
ромов туманида бир неча кўприклар
қурилиб, қўчаларнинг анча кенгайи-
ши туманимиз аҳолисига ҳам катта
қўлайликлар яратди деб ўйлайман. Бу
кечажақдаги режалардир.

— Байрам арасидаги тилакларин-
гизни билдирсангиз.

— Барчага соғлиқ ва омонлик ти-
лаймиз, ҳар бир хонадонда тинчлик-
хотиржамлик бўлсин, бахт-саодат ёр
бўлсин.

Ҳаммаси инсон учун

Кейинги йилларда янги Ўрикзор,
Иза, Гулистон, Чилонзор-30,31 янги
турар жой мавзёлари барпо этилгани,
500 минг квадрат метрга яқин уй-жой
фойдаланишга топширилди. Шу билан
бирга мактаб, болалар муассасалари,
соғлиқни сақлаш иншоотлари ҳам
ишга туширилди. Ҳозирда уй-жой фон-
дининг тубдан таъмирланиши бўйича
ҳам ишлар давом этмоқда. 1992-2000
йилларда 413 та уй таъмирдан чиқди. 2005
йилгача белгиланган шаҳар ҳудудий да-
стури доирасида эса барча 1991 йилга-
ча қурилган 223 та уй тубдан таъмир-
ланади.

— Туманимиз қайси жиҳатларини
алоҳида айтиб ўтиш мумкин?

МАЪНАВИЯТ Мароқли тадбирлар

Равшан РАСУЛОВ,
туман Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:

— Марказ томонидан турли йўналишда кенг
қўламли тадбирлар мун-
тазам ўтказилмоқда. Бундан
мақсад жамоатчилик ора-
сида юрт тинчлиги, эл са-
одати йўлидаги барча та-
шаббусларни қўллаб-қув-
ватлаб, уларнинг ҳаётга
тадбиқ этилишида амалий
ёрдам кўрсатиш, шунинг-
дек жамиятимизда эриши-

лаётган ижобий ютуқларни
тарғибот ва ташвиқот қилиб,
инсонларнинг дунёқарашини
бойитиш, истиқлол
ғояларига чексиз садоқат,
она-Ватанга меҳр-муҳаббат
руҳида шакллантириб бориш-
дир. Бу борада шу йилнинг
ўзида 40 дан зиёд суҳбат, у-
чрашувлар шаклида тадбирлар
ташқил қилинди. Маҳаллалар-
да тўй-ҳашамлар, маросимлар

билан боғлиқ масалаларда
тушунириш ишлари олиб
борилди ва сир эмаски,
аниқ мақсадга эришилмоқда.
Бу дегани марказ томонидан
қилинаётган ишлар шунчаки
ҳисобот учун эмас, балки бу
тадбирлар инсонларнинг
маънавий юксалишига, улар-
да миллий ва умуминсоний
фазилатларни шаклланти-
риб боришга хизмат қилади.

Ўзини-ўзи бошқариш
органларига бўлиб ўтган
сайловлар натижалари бил-
ан танишиш чоғида «Тинч-
лик» маҳалласига тегишли
бир қанча қизиқчи уйғотди.
Баённомага қўра маҳалла
оқсоқолини сайлаш жараё-
нида 10 мингдан зиёд киши
қатнашган. Маҳалланинг
аҳолиси эса 16700 киши-
дан иборат. 4500 га яқин
ойла 62 та кўп қаватли уй-
ларда истиқомат қилади.
Янги «Тинчлик» маҳалласи
туманда аҳолиси бўйича энг
катта маҳалла ҳисобланади
ва унга энг ёш оқсоқол раҳ-
барлик қилади.

«Фарҳад» бозори яқини-
даги кўп қаватли уйнинг би-
ринчи қаватида жойлашган
маҳалла идораси биз кел-
ган кун жуда гавжум эди.
Йўлакда туриб, бироз эди-
қолдик. Янги чоракда оила-
ларга пул тақсимлаш усти-
да маҳалла комиссиялари
йиғилиши ўтаётган экан.
Бурчакдаги стол ёнидан
ўрин олган 65-70 ёшларда-
ги нуронийга кимдир
«оқсоқол», кимдир «ўлим»,
кимдир «ука», кимдир эса
«Абдор» деб мурожаат
қиларди. Қизиқ, маҳалла
оқсоқолини ёшгина йигит
дейишган эдику...

Бир чеккада туриб, йиғи-
лиш давомида йўл-йўлакай
униқ қораридан биз ҳам
воқиф бўлиб, айрим рақам-
ларини қозғоғга тушириб
олишни маъқул топдик. Ма-
ҳалладаги 1350 нафар кам
таъминланган оиланинг 55
тасига учинчи чоракнинг хар-
оиди 216 минг 825 сўм,
2250 нафар 16 ёшгача бо-
лаларнинг 66 тасига 305
минг 950 сўм, икки ёшгача
боласи бўлган 77 нафага 414
минг 540 сўм тўланади. Шу-
нингдек кам таъминланган

оилаларга бириктирилган но-
войихона орқали кунига 60
кишига 10 тадан нон бепул
тарқатилиши, маҳалла ҳуд-
удидаги 4 та ошхонада ҳар
кун 16 киши бир маротаба
иссиқ овқат билан таъминла-
ниши давом эттирилди. Ка-
рорда маҳалладаги «Бетта-
сервис» ширкати томонидан
32 оила июль ойи учун 100
минг сўмликча яқин коммунал
тўловларидан ширкат ҳисо-

маҳалладошларим кўникиб
кетилган. Баъзи пайларда
оқсоқоллик вазифам билан
асосий ишимни — актёрлик
нам олиб боришга тўғри
келади. Билсангиз, «Актёр»
студияси томонидан олинган
фильмлардаги барча образ-
лар маҳаллада яратилган.
Бугунги йилгилиш ҳақиқий
эди, янги фильм сценарий-
сида эса шу каби саҳна қўри-
ниши бор, шунинг учун ма-

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

Ёш бўлса-да бош бўлиб

бидан озод этилгани ҳам
кайд қилинди.
Қарор кўпчиликл овоз би-
лан қабул қилингандан сўнг
йиғилиш иштирокчилари би-
рин-кетин тарқала бошлади.
Бизнинг «Мумкинми» деган
саволимиз маҳалла оқсоқоли-
нинг ҳаёлини чалғитолмади.
Очик эшикни таққилатишга
тўғри келди.

— Келинлар, хизмат?...
Янгилардан бўлсангиз керак-
а, қайси уйнинг соҳиби
бўлдингиз? — қабилидаги
кетма-кет саволларга кўмиб
ташлади оқсоқол.
Келишимиз сабабини бил-
ган эса беш дақиқага руҳсат
сўраб, ташқарига чиқиб кет-
ди. Бироз ўтган соҳнага ўрта
ёшдаги йигит кириб, «Мен
Абдор Турсунов, шу маҳалла
оқсоқоли бўламан», деб ўзи-
ни таништирди-да, шу захо-
тиёқ саволимизни кутгандек:
«Гримга аҳамият берманг,

ҳалла идорасидаги кенг до-
ирадаги учрашув жараёнини
видеотасмага тўшириб
олишни маъқул қўрдик...

Дарҳақиқат, Абдор Турсу-
нов таниқли актёр эканлиги-
ни гримда эмас, балки
ҳақиқий маҳалла оқсоқоли
«либосида» танидик. «Чинор
тағидаги дуэль» фильмида
Парпи, «Кулол ва Хурмача»
да Хурмача, «Келин салом»,
«Бурч» каби видеофильмлар-
да А. Турсунов бош қаҳра-
мон образларини яратиб
билан бирга, кўп фильмлар
режиссёри ва «Актёр» студи-
ясининг асосчиси ҳисобла-
нади. Фильмларда у асосан
огир, вазмин, камгап, хотир-
жам характерли образларни
яратган бўлса, ҳаётда бутун-
лай тескариси — Абдор Тур-
сунов атрофдагиларга жуда
қуюнчақ, маҳалла муаммола-
рини ҳал этишда олиб-йў-
радиган инсон экан.



миллий дастур

Замонавий ўқув масканлари

Мустиқиллик байрами арафасида туманда қатор замо-
навий ва қўлай, ижтимоий-маданий-маиший мажмуалар-
нинг фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Бундан
ташқари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга
ошириш борасида учта ўқув юрти — хунармандчилик ва
агротехнотар коллежлари ҳамда Солиқ ва божхона орган-
лари академиясида қурилиш, қайта таъмирлаш, ободон-
лаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Хусусан, 1-ўйсозлик комбинатига қарашли 26-қурилиш
бошқармаси томонидан хунармандчилик коллежи ҳудуди-
да янги 4 қаватли ўқув биносини бунёд этиш ишлари олиб
борилмоқда. Лойиҳа бўйича бинонинг 1, 3-қаватлари те-
хнологик хоналар, маънавият ва маърифат марказига
мўлжалланган бўлиб, 4-қават устакхоналарга ажратилади. Бу
ерда шунингдек спорт майдончаси ҳам барпо этилмоқда.

Ўтган йили коллеж мақомида ўз фаолиятини бошлаган
мазкур ўқув юртининг янги биноси биттандан сўнг Жану-
бий Кореядан келтирилган техник анжомлар, асбоб-ус-
куналар билан таъминланди. 500 ўринли коллежда та-
рғарлик, попопчилик, тикувчилик, наққошлик, ёғоч ўйма-
корлиги, кичик ва ўрта бизнес ҳисобчиси мутахассислиги

бўйича уч йил давомида тахсил олган битирувчилар шарт-
нома асосида йўлланма билан «Шарқ гули», «Фотон»,
«Нур», «Феруз олға», «Юлдуз» каби ишлаб чиқариш кор-
хоналарига ишга жойлаштириш мумкин бўлади.

Дарвоқе, коллеж талабалари шу йил ўтган «Кўли гул
уста» танловига бир неча йўналиш бўйича ғолибликни қўлга
киритган. Ёғоч устаси Камолиддин Раҳимов эса биринчи
ўрин соҳиби бўлгани учун имтиёзли равишда Тошкент Дав-
лат педагогика университетига синовларсиз қабул қилинди.
Яна бир янги ўқув юрти — Солиқ ва божхона органлари
академиясида асосий қурилиш ва ободонлаштириш ишлар-
и поёнига етмоқда. Шу билан бир қаторда солиқ ва бож-
хона ўрта махсус ўқув юртини битирувчилари орасида 286
абитуриент академияга ҳужжатларини топшириб, тест си-
новларидан ҳам ўтишга улгурди. Янги ўқув йилида акаде-
мия икки йўналиш — солиқ ва солиққа тортиш ҳамда бож-
хона иши бўйича ўзининг илк 100 нафар тингловчисини
қабул қилади.

СУРАТЛАРДА: агротехнотар коллежи, Солиқ ва божхо-
на академияси биноларининг ташқи кўриниши.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



"Карвон бозор" оғимлари

Ҳар гал Тошкент Ҳалқа йўли атрофи-
даги Ўрикзор даҳасида жойлашган «Кар-
вон бозор» киргизганда, бир неча асрлар
илгари бўлиб ўтган воқеалар, яъни кар-
вонсаройлар ҳаёти намойиш бўлаётган-
дек туюлади.

Елпик ақиядорлик жамияти сифатида «Кар-
вон бозор» илк бор ўз фаолиятини 1998 йил-
нинг иккинчи ярмидан атиги 200 дўкондан
бошлаб, босқичма-босқич қурилиш ишлари-
ни ҳам давом эттириб бори. Ҳозирда улғур-
чи савдо йўли билан фаолият юритаётган бу
ердаги тадбиркорларнинг сони уч мингга
яқин, бозорнинг ўзи бир кунда 10 мингдан
зиёд харидор келади.

Тадбиркорларга қўлайлик яратиш мақсади-
да бозор ҳудудида «Карвон» тижорат банки,
маиший хизмат шўхобчалари очилган. Банк-
да улар қўндалик даромадларини топшириб
саклаш билан бирга, кредитлар олишга ҳам
эришишган. Бозорнинг савдо майдони 14,5
минг квадрат метр бўлиб, уч минг савдо жой-
ига эга. Шунингдек, бозор ҳудудида бемалол
юк ташиш машиналари ҳам кириши мумкин.

Асосий фаолиятида «Карвон бозор» савдо
билан шуғулланиб, барча тушган даромадлар-
ни ривожлантиришга йўналтирмоқда. Бозор
ҳудудидан ташқарида «Карвон-Сергели-авто»
каби учта шўба корхонаси, Назарбек йўли-
да ва Ўйғур кўчасида омборхоналари бор.
Шунингдек, «Ўзсавдомаркази» ҳам «Карвон
бозор» таркибига фаолият юритади.

Шу кунларда бу ерда яна қўшимча савдо
блоки ҳамда ҳудуддан ташқарида 1200 ки-
шига мўлжалланган хунармандлар шаҳарча-
си барпо этилмоқда. Яқин келажақда бозор-
нинг орқа томонидаги сой бўйлаб йирик дам
олиш масканини яратиш режалаштирилган.

«Карвон-бозор» ҳозирда республика ми-
янинг қатор корхоналари билан ҳамкорлик
ўрнатди билан бирга «Роз-трейдинг», «Жи-
летт» машҳур фирмалари билан ҳам амалий
алоқалар олиб бормоқда. Бозорнинг истиқ-
бол режалари орасида бошқа хорижий ко-
мпаниялар дилерларини ҳам жалб этиш кўзда
тутилган.

СУРАТДА: «Карвон бозор»даги савдо
расталари.



ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН

Акмал Икромов
тумани 1977 йил-
нинг 20 октябри-
да ҳозирги Шай-
хонтоҳур ва Чи-
лонзор туманла-
ри ҳамда пойтахт
вилоятининг Зан-
гиота тумани
ҳудудлари ҳисо-
бидан ташқил
қилинган.

Қазилмалар гувоҳлик беради

Туман ҳудудининг тари-
ҳи ўтган IV-VIII аср-
лардан бошланади. Бу
жойлар Тошкентнинг
анча чеккасида бўлган.
Бирок айнан шу ерлар-
дан Тошкентнинг Кўча
ва Чигатой дарвозалари
томон карвон йўллари
бошланган. Таъкидлаб
ўтиш жоизки, шаҳар та-
шқариеси асосан сувсиз,
қурғоқ ерлардан иборат
бўлган.

XX асрнинг ўрталари-
да ўтказилган археоло-
гик қазилмалар пайтида
туман ҳудудида учта ёд-
горлик топилган. Улар-
дан бири Кўча Оқтепаси.
Беш метр баландлик-
да хом ғишт ва пахсадан
бунёд этилган тепалик
VI-VIII асрга тегишли
бўлиб, Кўча дарвозаси-
дан анча ораликда мудо-
фаа вазифасини бажар-
ган. Кўча Оқтепаси
ҳозирги Ўйғур кўчасида-
ги коммунал-қурилиш
коллежи яқинида жой-
лашган ва айнан шу
ҳудуд Оқтепа деб ата-
лади. Бирок, Оқтепанинг
фақат номи сақланиб
қолган.


Туман ҳудуди тарихи-
да Фозилтепа девори ҳам
алоҳида ўрин тутди.
Мазкур тепа ҳам архео-
логик ёдгорлик бўлиб,
IV-VIII асрларга тегиш-
ли кичик мудофаа қалъ-
аси бўлган. У ҳозирги «Ва-
тан» кинотеатри, трам-
вай депоси яқинида, Из-
засой бўйларига жой-
лашган...

Фарҳод бозоридан
Чилонзор Оқтепаси то-
мон ҳудудларда қўйчи-
лик билан шуғулланил-
ган. Чўпонларга ҳомий-
лик қилган Чўпонотага
Улутбек илтимосига
қўра мажмуа қурилган.
Чўпонота деб ҳозирда
кўча номи юритилди.

Ўтган асрнинг боши-
да мазкур ҳудуднинг ат-
рофида боғлар бўлган
дейишди. Фақат шаҳар
таркибига киргандан
сўнг бу ерларда кескин
ривожланиш бошланган.
60-70 йилларда эса Беш-
қайрағоч, Бирлик, Ис-
тироҳат, Чилонзор ту-
рар жой даҳалари барпо
этилди. 80-йилларнинг
охирларида улар қаторига
Ўрикзор, Иза, Гулистон-
30,31 каби янги мавзёлар
қўшилди.

Саҳибуни Ильярова
ЗАЙНУТДИНОВА
тайёрлади.

БҮНЁДКОР



— Республикаимиз пойтахтида бунёдкорлик ишлари қизгин давом этапти, — дея ҳикоя қилади ҳоким ўринбосари. — Тошкентликлар, афтидан, республикаимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги яқинлаша борган сари кўпгина қад ростлаётган иншоотлар қурилиши низоҳисига етаётганини сезишга ётган бўлишга керак. Қурилиш тахталари, чиқиндиллари сочилиб ётган ҳудудлар ободонлаштирилиб, ҳамма нарсаси тартибга солиняпти.

Энг кўзга кўринган объектлар орасида — кичик автомобиль халқа йўли — шаҳар ички транспорт магистралли ҳам бор. Шу йўл бўйлаб Буюк ипак йўли томон юрак экансиз, бу ерда тўрт тасмали 88 метрлик кўприкка қўзғингиз тушиши мумкин. Ҳозир уни асфальтлаш ишлари аяқланяпти, кўприк остида троллейбус симлари тортирилиб, электр транспорти ҳаракати очилди.

Паркент кўчаси томонига бурилсангиз, 400 метрдан кейин яна бир-икки тасмали 44 метрлик кўприкни кўрасиз. Бу ердан ТошМИ тарафига йўл солиниб, уни ободонлаштириш ишлари ҳам тугай деб қолди. Темир йўл кўприги ёнида Мусахонов кўчасида автомобиль йўли учун кўприк бунёд этилган. Бу ерда, барча ишлар, билишимча, яқин кунларда тугатилади. Кичик автомобиль халқа йўли Катта Фарғона йўли томонига қўзилиб кетади. Бу ерда эски бинолар бўзиб ташланиб, йўл ёқалаб бордорлар, лотоклар, ташки ёриткич устунлари, троллейбус ҳаракати учун қроштенлар ўрнатилган. Кейин халқа йўли вокзалди майдонига чиқиб, шу ерда ероти сий йўли билан тўташади. Шу тариха 7,5 километр узунликдаги кичик автомобиль халқа йўли транспорт турли хиллари ҳаракатини бўлиб юборишда яна бир қўлайлик яратилди.

Олдинроқ айтиб ўтганимдек, бу ердан троллейбуслар катнайди. Улар ҳаракатини йўлга қўйиш учун илгари троллейбус симлари тортилмаган Оққўрғон кўчасидан вокзалди майдонига бугун участкада сим тортиш, электр ўтказиш ишлари низоҳисига етказилляпти.

Кичик автомобиль халқа йўли қурилиши билан боғлиқ улкан дастурий амалга оширишга «Шаҳарйўлтамбир-қурилиш», ирригация ва кўкalamзорлаштириш трестлари, 7-кўприк отряди, «Электром» ва «Квант ик» фирмалари, «Ўзтрасқурилиш»нинг 704-КМБ, «Шаҳар электр тармоқлар йўли» мутахассислари жалб этилган. Режалаштирилган иш ҳаммини улар муваффақият билан уйдлашди.

Республикаимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига пойтахтимиз аҳолиси аҳойиб қўйса олади. Гап метронинг янги — Юнусобод йўналиши ҳақида кетаётганини фахмаландирсиз. У 7,5 километрга қўзилган бўлиб, олпита бекати бираштиради. Бу бекатларнинг ҳар бири ўзига хос қўринишга эга.

Пойтахт харитасида — янги иншоотлар

Курувчи меҳнатидан савоблироқ иш бўлмас керак дунёда! Айнан шу бунёдкорлар сый-ҳаракатлари туфайли пойтахт харитасида янги-янги иншоотлар, қўлай автойўллар, замонавий кўприклар пайдо бўлади, таъмирдан чиққан бинолар иккинчи умрини бошлайди. Касб байрами — курувчилар кўни арафасида муҳбиримиз Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Абдуқаҳҳор Хасанович ТўХТАЕВ билан мулоқотда бўлди.



«Минг ўрик» бекати иккинчи йўналишдаги «Ойбек» бекатига ўтишни таъминлайди. Бу ерда умумий қурилиш, сантехника ва вентиляция ускуналарини сошлаш ишлари аяқланяпти, электр-монтаж ишлари тугатилляпти. «Юнус Ражабий» бекатига йўловчиларни иккита эскалатор етказиб қўяди. Бу бекат яна бир нобб хусусиятга эга — 140 метри уйиш йўли тўппа-тўғри «Амир Темур» бекати платформасига олиб чиқади. Шу тариха йўловчилар бошқа йўналишга ўтганлари учун пул тўлашига ҳоҳат қолмайди. Бизнинг «ер ости» қурилишларимизда ҳали бунга ўхшаш бўлмаганди.

Бу ерда ҳам умумқурилиш, пардозлаш ишлари, тугатилган, бекат фаслиятини таъминловчи ускуналарини ишга тушириш-сошлаш низоҳисига етай даяпти. Иккинчи вестибюль бўйича ишлар ҳам охираб қолди. Иккала бекатни 2,1 километрлик тоннель боғлаб турибди.

Яна 760 метрлик тоннелдан кейин «А. Кодирий» бекати келади. У ҳозирги кунга тўла тайёр ҳолда турибди. Унинг устида, худди иккинчи қаватдагидай савдо расталари жойлашади. Олой бозоридан бу ерга ўн йўналишдаги йўллар олиб келади. Магазинлар бўйлаб сайр қилар экан, тошкентликлар ва меҳмонлар тўғри метрога келиб қолишлари мумкин.

Ишга туширишга шай қилиб қўйилган «Минор» бекати метронинг

учинчи йўналишининг муҳандислик корпусига олиб боради. Компютерлар ёрдамида шу ердан туриб поездлар ҳаракати, электр таъминоти, сантехника, шамоллатиш ишлари бошқарилади. Ҳозир бу 4 қаватли бино зарур ускуналар билан жиҳозланмоқда.

1150 метр узунликдаги тоннель бўйлаб кейин поездлар «Бодомзор» бекати томони йўл олишади. У орқали яна 1850 метр масофадан сўнг йўловчилар сўғи — «Ҳабиб Абдуллаев» бекатига етиб келишадилар. Бу ерда ҳамма ишлар низоҳисига етказилган, бунёдкорлар йўлларининг юқоридаги қурилишлари билан банд.

Шундай қилиб, қурилишда «Метроқурилиш» трести, «Махсури-роқимонтаж» трести, «Тошсантехмонтаж», «Санаталюка» бўлиммалари, 93-трест, «Ўзбекхотел», «Ўзэлектромонтаж», «Ўзбекхотел» темир йўллари ДАК, метрополитен, «Электром» фирмаси бўлиммаларига қарашли бригадалар катнашган учинчи йўналиш яқин орада манзилларга етказилган йўловчилар миқдорига ҳисоб очади.

Ҳамза театри биноси мутлақо янги қурилишга эга бўлади. Республикаимиз Президентини Ислам Каримов икки бор бу ерда бўлди. У ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирганлиги бинонинг бетакор қиёфасини тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Иккита нобб гўмбаз, ганча

уйилган нақшлар, Бухоронинг қизил мармари унга ўзгача жозиба бағишлайди. Бу иншоот ҳақида кўп гапирш мумкин. Лекин ўн марта эшитгандан кўра — бир марта бориб қўриш афзалроқ. Шу кунларда бу ерда пардозлаш ишлари олиб бориляпти, атрофдаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш бошлаб юборилган. Маэкур қурилиш майдонинда бош пудратчи «Усто» бирлашмаси, «ТАПОИЧ» ДАК, экспериментал ҳайкалтарошлик комбинати, «Махсури» қурилиш монтаж вазирилиги бўлиммалари кўмаклашмоқда.

Консерватория янги биноси қурилиши давом этмоқда. Ўқув блокларидан «Турномарказқурилиш» ҳамда 159-бош пудратчи трестлар бригадалари меҳнат қилишляпти. «Тошмуҳандисқурилиш» трести ишчилари ободонлаштириш ишларида банд. Бу бино ҳам ўзига хос нобб қурилишга эга. Унинг ички беаги, пардози бу музика кошонаси вазибаларига ҳамоҳанг бўлиши жуда муҳимдир.

«Шаҳарйўлтамбирқурилиш», сўғориш ва кўкalamзорлаштириш трестлари, «Ўзэлектромонтаж», «Тошйўловчирас» уюмиса томонидан Навоий кўчасида жуда катта ишлар оғиб борилган. Трамвай йўлларини янги-ларига алмаштиришдан ташқари кўчанинг транспорт қатнайдиган қисми 6 метрга кенгайтирилган, ер остидан ўтадиган муҳандислик коммуникациялари, шунингдек қарийб 40 йил ишлатилган ташқи ёритиш қабеллари тўла алмаштирилган. Ҳозир кўча тўла асфальтланб, уни кўкalamзорлаштириш, сўғориш қувурлари ўтказиш ишлари низоҳисига етказилляпти.

4-трест, «Виллоятроқурилиш», «Нефтгазқурилиш» ташкилотлари оғиб бораётган шовилинги тиббий олим республика касалхонасини таъмирлаш ишлари ҳақида бир неча оғиз гапириб ўтишни истардим. 250 ўринли жарроҳлик корпусида, қўйиш жарроҳатларини довлалаш марказида, 5 қаватли жарроҳлик блокда ишлар низоҳисига етказилган. Ҳозир иккинчи навбат таъмирлаш ишлари бошланган. Унга касалларни қабул қилиш, ташхис, терапия бўлиммалари қиради.

Ўқув юртларини ҳам айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Юнусобод туманида сайёҳлик коллежи 1-навбат қад кўтарди. Ҳамза туманида темир йўл коллежи, Миробод туманида политехника коллежи 2-навбат қурилишда ишлар тугатилляпти. Мирзо Улуғбек туманида машинасозлик ва технология коллежларининг иккинчи навбати тахт қилиб қўйилган.

Қурилиш мажмуи бир дақиқага ҳам ишларни тўхтатаётгани йўқ. Зеро, шаҳар харитасида ҳали яна кўпдан йўли иншоотлар пайдо бўлиши керак...

ИЗҲОР Ташаккур!

● Манноп ҲАКИМОВ, Чилонзор туманидаги «2-Қатортол» маҳалласи оксоқоли, халқ маорифи аълоҳиси: — Азиз пойтахтимизнинг таниб бўлмас даражада чирой очилишда қўли гул бунёдкорларимизнинг жуда катта ҳиссалари бор. Бугун Тошкентимизни кезган ҳар бир киши ундаги ёрқин ўзгаришларнинг гувоҳи бўлади. Айниқса, Мустақиллигимиз шарофати билан бунёд бўлган муҳташам иморатлар, замонавий кўприклар, равон йўллар, гўзал супермаркетлар, барча қўлайликларга эга бўлган маҳалла гузарларини кўриб қалбингиз фаҳрага тўлади. Ана шундай даражада «Толмас қўли бунёдкорларимизга раҳмат» дея баралла айтаман.

● Абдураҳул УМАРБЕКОВ, уруш ва меҳнат фахрийси: — Пойтахтимизда бунёд этилган Хотира майдони ва «Шахидлар хотираси» хиббонига ҳар сафар борганимда халқимизнинг шундай забардаст, қўли гул, диди баланд бунёдкорлари борлигидан фахрлиниб кетаман. Улар қад ростлаётган ҳар бир иморатга қалб қуриб кўз нуруларини, ғайрат-шижоатини бахшида етишадилар. Хали жуда кўплаб қурилишларда жавлон урадиган, юртимиз жамолини жаҳонга танитадиган қурувчиларимиз омон бўлсин.

● Нигора ИБРОХИМОВА, касб-ҳунар коллежи талабаси: — Қурувчиларимизнинг баракали меҳнатлари эвазига бунёд этилган замонавий коллеж ва лицейларда таҳсил олиш бизга насиб этганидан беҳад бахтиёрман. Улар биздай азиз фарзандларнинг кенг, шинам, чиройли хоналарда билим олишлари, касб эгаллашлари учун бор маҳоратларини сарфлашмоқда. Шу боис ҳам ўғил-қизлар доимо улардан манунимиз ва таъзимдасиз.

қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорлик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг ҳаққаролик бурчимиздир. Бу гапни фўққимизга меҳрибон ва сadoқатли бўлган ва шу йўлда фидойилик қилаётган Юрбощимизга айта олади. Замондошим, дил ва тилингиз учинда турган сўзни билиб турибман. Бу йилги Мустақиллик байрами арафасида бизни қандай янгиликлар кутмоқда? — деган савол турибди. Янгиликлар кўп. Уларни бирма-бир санаб адоғига етиб бўлмайди. Энг муҳими метронинг Юнусобод йўналиши ишга тушади. Кўпдан бери томошабинлар орзиқиб кутган Ҳамза номидидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг янгиланган биноси фойдаланишга топширилади. Бир қанча қўша қорхоналар, академик лицей ва коллежлар, турар жой, маданий маиший бинолар ўз эгаларига топширилади. Бу албатта фидойи қурувчиларимизнинг байрамолди соғаси бўлади.

Ҳуллас, янгилаш ва ўзгаришлар бекиёқ. Тошкентимизнинг келажига янада порлоқ. Ўзбекистон Қарамоғи, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Вохидов таърифи билан айтадиган бўлсак: **Тошкентим, порлаган**

Юксалди кўксингда не-не қасрлар, Сир эмас, бунчалар қамолот учун Керак бўлар эди неча асрлар. Сен қуёш шаҳрисан, Фахримсан азал, Омон бўл, ҳамиша ўзбеки ерим... Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

● Виждон истироҳати қаноатга яширинган. ● Қилган ноҳўя иш ва ҳаракатларини бошқаларнинг билиш ва қўришларидан уялмаган киши — ёмонларнинг ёмонроғидир. ● Душманининг сирларидан хабардор бўлсанг, ундан истеъфода қилгунингча яширин тут. ● Ўзингга бажариш мумкин бўлган нарсани бошқалар кучидан фойдаланиб вужудга келтиришинг зўр айбидир. ● Қадимги Эрон донишманди Бузургмехр айтади: — Отадан фарзандга одобдан ҳам аъло мерос топилмайди, чунки отасидан одоб меросини қўлга киргизган, яъни отасининг диққат-эътибори билан тарбия олган фарзанд одобни туфайли ҳар қимнинг ҳурмати қозонади, улуг мартабаларга эришади. Одоб эскирмайдиган қимматли либос, тугамайдиган бир хазинадир.

● Жолинус ҳаким айтиди: — Тўрт нарса тўрт нарсасига, яъни улуглик — одоб-тарбияга, хурсандлик — хотиржамликка, яқинлик — дўстликка, ақл — таҳрибага муҳтождир. ● Ибнул Қайс номли араб шоири айтиди: — Кишининг жоҳил, нодонлиги беш нарсадан билинади: жоҳил нодон киши ҳар кимга ва ҳар бир айтилган сўзга текширмай ишонаверади, фойдасиз сўзларни кўп сўзлайди, хайр-эхсонни ўз жойига сарф қилмайди, сирини яшира олмай ошкор қилади, дўстини душмандан ажрата олмайди. ● Эрон олимларидан Сайид Абдулфаттоҳ айтиди: — Искандар Зулқарнайн ўз устоди Арастуни муҳтор вакиллик даражасига кўтариш ва бошқа амалдорларидан кўрар уни бениҳоя таъзим ва ҳурмат қиларди. Устодининг маслаҳатини олмасдан ҳеч бир ишга қадам қўймасди. Бунинг сабабини сўрадилар. Искандар Зулқарнайн шундай жавоб берди: — Отам мени гўёки осмондан ерга туширди, устодим Арасту эса мени ердан осмонга кўтарди, яъни отам менинг вужудга келишимга, устодим бўлса ақлимнинг ўсишига, илм-маърифат ҳосил қилиб, улуг мартаба, шон-шухратга эга бўлишимга сабабчи бўлди. Шунинг учун устодим Арастуға ҳар қанча иззат-ҳурмат қилсам арзийди.

Байт: **Айла устодимни ҳурмат, эй ўғул, Яхши ном бирла жаҳон машҳури бўл.** ● Таълим-тарбия олимларидан Қуддусий айтиди: — Хулқ-атвор касалликларидан бири — таҳқирдир. Таҳқир бир кишининг қадри ва эътиборини тушунарли равишда муомала қилиш демакдир. Кучсиз, заиф кўнглилар, кўпинча қучли ва қудратли кишилар томонидан таҳқир этилади, таҳқир туфайли очилган яра узок вақтгача тўзалайди.

Таҳқир этилган, қамситилган одам ўч олиш учун фурсат излаб, тадбир қўриши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Бойлиги, даража ва мартабасига марғур бўлиб, ҳар кимга ҳақорат қўзи билан қарайдиган кишилар кейинчалик ўзлари хор ва масҳара бўлиб қолишлар. Таҳқир сўзи иш билан бўлгани каби ёзув ва ишора билан ҳам бўлади. Бир одамни қамситиб, таҳқир этиб ёзилган ёзувларнинг одоб тарбия арбоби қошида эътибори йўқдур.

Байт: **Кимсани ранжитма, таҳқир қилмагил, Гуссан ғам бирла доим тўлмагил.** ● Бир араб донишманди айтиди: — Уч нарсасга қўнғилга ташвиш келтиради, тинч маишатни бузади: ёмон кўшни, ноқобил фарзанд, бад-фелъ, жиззакки хотин. Бир олим фозил одам айтиди: — Қадим замонда Ғазна шаҳрида Абдулқарим исми муътабар ва давлатманд одам яшарди. Унинг қимматбаҳо нарсалари борлигини сезган бир ўғри шу нарсаларни ўғирлаш пайига тушди. Бир кун кечаси пайт топиб Абдулқаримнинг уйига кирди. Абдулқарим олибди билан қаттиқ уйқуда эдилар. Ўғри бундан фойдаланиб, секингина қимматбаҳо нарсалар турган уйга кирди. Ўзига керакли нарсаларни йиғиштириб олиб, энди кетмоқчи бўлиб турган эди, кўзи бир қутчага тушди. Дарҳол қутини очди. Қутинида бир нарсанинг майда қуқуни бор эди. Ўғри қоронғуда қуқуни қўли билан сийпаб кўрса қам, ниманинг қуқуни эканини билмади, кейин қуқуни ялаб қўрди. Бу майда туз эди. Ўғри туздан озгина таътиб кўрган-дан кейин, туз-ўзига:

— Э, туз ҳақиқа рию қилиш лаззатидан беҳабар одам, кўзингни оч, шу вақтгача лабингга бу кишининг моли билан доғ туширмаган эдинг, шунинг учун унинг молига хиёнат қилишни ўйлардинг. Энди унинг тузини единг, туз ҳақиқа рию қилмай, унинг молига хиёнатни раво кўрсанг, сенинг беҳармлигинг ва мард йигит эмаслигини кўрсатган бўласан, — деб ҳамма нарсани жойида қолдириб чиқди.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин, ўғри холи бир ерда Абдулқаримга йўлиқиб унга қўлиб айтиди: — Уйингизга ўғри тушган, ҳеч нарсангизни олмаган деб эшитдим, тўғримми? Абдулқарим унинг сўзидан ҳайратда қолиб: — Тўғри, уйимга ўғри кирган. Лекин ҳеч нарсамни олиб кетмаган. Бу сирни ҳеч кимга айтмаган эдим, сен қимдан эшитдинг, ўша ўғри ўзинг эмасми? — деди.

Ўғри иқдор бўлиб: — Уйингизга тушган ўша ўғри мен эдим. Сизнинг қимматбаҳо нарсаларингизни ўғирлаш ниятида эдим. Ҳа кун кечаси сизнинг қаттиқ ухлаб ётганингиздан фойдаланиб уйингизга кирдим, керакли нарсаларни олиб, кетар олдига қутчада бўлган тузингиздан тотиб қўриб, молларингизни жойига қўйиб чиқиб кетдим. Туз ҳақиқа рию қилдим. Абдулқарим унинг сўзидан завқланиб айтиди: — Эй покиза йигит, сенинг шарму-хаёли, мард йигит эканингни билдим. Сен мени ўзингга мафтун этдинг. Менинг чиройи ва одоб тарбияли қизим бор, шу қизимни сенга бериб, сени ўзингга қувё қилишни тилайман. Қабул қиласанми? Ўғри қабул қилиб, Абдулқаримнинг олдига ўғриликдан тавба қилди. Абдулқарим шу мард йигитни ўзига қувё қилди. Байт: **Барча ерда истасанг, ўтсин сўзинг, Тўғри бирла қуроллангир ўзинг.**

Тошкентим, сен қуёш шахрисан

(Давоми. Боши 1-бетда). Сайилгоҳ кўчаси бўйлаб аста одим-лайлик. Бугун ўз номига мутаносиб бўлиб тушган бу кўчанинг жамолига боқиб тўймайсан. Бир томонда халқ сайиллари, бир томонда ошхоналар. Эҳ-эҳ, қай бирининг таърифини қилиб улғурамиз, замондошим. Қаранг, бугун Анхор соҳили қандай қиёфа қашф этибди. Қанал ўртасига ўрнатилган тўрт фавора Мустақиллигимизга нур бағишлаётгандек камалат янглиг тобланади? Унинг ўр томонидан салобат тўйиб турган «Туркистон саройи» кимнинг ҳам диққатини ўзига тортайди, азизим. Бугун батамом янгиланган «Олой», «Чорсу», «Қўйлик» ва бошқа деҳқон бозорларига борган киши хайратдан ёқа ушлайди. Миллий меъморийлик кўринишидаги ҳунармандчилик ва савдо расталари аждодларимиздан мерос бўлиб қолган зебу зинаят бўюмлари ва мева-чева маҳсулотларига лиммо-лим. Ахир бу ҳам фаровонлигимизнинг белгиси эмасми? Шундай яратувчан бунёдкор ва заҳматкашлари бўлган юртининг юки ҳеч қачон ерда қолган эмас.

Бугун Амир Темур хиббониди буюк саркарда Соҳибқирон ҳайкали пойида туриб, уни бунёд этишда қатнашган ижодкор қурувчилар, теваарак-атрофни чарогон қилиб қўйган қўли гул кишилар меҳнатига тасаннолар айтганимиз келади. Айтинг, азизим, бу яқин орада «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасини бориб кўрдигизми? Кечагина хувилаб ётган тепалик ва чакалзорлардан иборат бўлган майдон бугун гул-гун яшнаб турганини кўриб ҳавасингиз келади. Бу албатта кўп сонли бунёдкорларнинг аҳиллик билан олиб борган ишлари самараси. Бугун яшнаб турган майдон, унинг марказидаги қўшқ, яшил майсалар, анвойи гуллар, манзарали

дараклар, шу чиройга мос фаворалар, кўприк ва текис равон йўлқалар, соқин оқаётган «Бўзсу»га боқиб ҳаёлда нафақат ўтмиш, балки бутун бир тарих жонланади. Шоир таъбири билан айтганда: **Не-не зилзилдан чиқолган омон, Манглай ёрқирок махсонан буюк. Байналмилал маъво, асил қарамон, Жаҳон тарихида номинг бор суюк.** Замондошим, келинг, энди трост-тиқбобилдан ҳушуд ҳамшаҳарларимизнинг сўзларига ҳам бир қўлоқ тутиб кўрайлик. Улар ўз миннатдорчиликларини қандай изҳор қилишаркин. Мана улар нималар дейишади:

— Ҳазрати Навоий «Ҳамса»ни бита-ётганларида уйланиб: **Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ, Низоимий панжасига панжа урмоқ,** деган эканлар. Лекин ҳазрат бу ишни устоздодалардан минг чандон ошириб адо этдилар. Агар бу сўзларни Юртбошимиз тисмолида кўрайдиган бўлсак бу саховатпеша, улуг инсон зиммасига юклатилган юксак масъулиятни, Ватан, халқ олдидаги бурчини ўз ўтмиш-дошларидан юз қарра ошириб бажарганликларини бугун ўзининг бутун бўйбастии билан кўриниб турибди. Шу инсоннинг доно раҳбарлиги ва сый-ҳаракати билан Ўзбекистон деб аталмиш юрт оламга машҳур бўлди. Шу инсон рағбати билан улкан қурилишлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун каттага кичик, ҳатто хорихлик дўстларимиз ҳам Ўзбекистонимизнинг келажига буюк эканлигига иймон келтирмоқдалар.

— Ўзбекистонимиз «Шарқ машъали» деган таъриф билан оламга машҳур. Бу атамга узок йиллар ҳосиласи сифатида тилдан тилга ўтиб, эллараро тобора кенг тарқалмоқда. Бу номининг обрў-эътиборини янада кўтариш, уни қанчалик авайлаб-асраш ва эъзозлаш эса ўзимизга, ҳар биримизнинг меҳнатимиз унумига боғлиқ.

— Тошкентимизнинг ёши минг йилларга бориб тақалса-да уни мен дидил қадам ташлаётган ўғлонга ўхшатаман. Чунки унинг истиклол ёши эндигина ўн ёшга тулпаяпти. Бугун барчамизнинг қалбимиз гурур ва ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошган. Шаҳримизнинг кўчаю хиббонларини кезиб ҳаёлга толаман. Заҳматкаш ва меҳнаткаш халқимизнинг қисқа муддат ичида бажарган буюк ишларига, бунёдкорлигига қойил қоламан. Ўз вақтида бобимиз Соҳибқирон Амир Темур: «Кимки қудратимизга шубҳа қилса, қурган биноларимизни келиб кўрсин», деб баёшорат қилган эканлар. Бу сўзларни қайта-қайта тақорлашимизнинг боиси бор. Чунки истиклол йилларида бунёдга келган улкан қурилишлар, ўзгаришлар ҳар қандай таърифга сиймайди.

Бу сўзлар бугун ҳар бир тошкентликнинг дили ва тилида тақор ва тақор жаранглаб турибди. Келинг, энди шу ўринда юқоридаги сўзларга ҳамоҳанг бўлган Президентимизнинг ўшбу гапларини эсга олайлик. **«Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкан, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, қучли ва қудратли қолатда**

